



ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 июнь куни хизматлар кўрсатишни ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хизматлар — кам харажат билан кўп аҳолининг бандлигини таъминласа бўладиган соҳа. Шу боис, ҳудудларда маиший хизмат уйлари ташкил этилмоқда, ишсизлар касб-ҳунарга ўргатилмоқда, маблағ ва шароит билан таъминланмоқда.

Жорий йил 27 январда Президентимизнинг "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, бу соҳага кўплаб энгилликлар берилди ва имтиёзли ресурслар ажратилди.

Булор орқали жорий йилда 120 мингдан ортиқ янги лойиҳаларни амалга ошириб, хизматлар ҳажмини 435 триллион сўмга етказиш режа қилинган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда бу борада ҳудудларда бажарилган ишлар таҳлил қилинди.

Ҳокимлар халқни ўйлаб, ҳалол ишлаб, тадбиркорларга ер, бино ва инфратузилма масаласида ёрдам берган жойларда натижа бўлган. Масалан, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятларида минглаб иш ўринлари очилган.

Январь-май ойларида хизматлар соҳасида 232 минг иш ўрни яратилган. Лекин Жиззах, Навоий, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бу борадаги натижалар паст.

Сўнгги икки ойда хизмат жойлари ташкил этиш учун 12 мингта ер майдони аукционга қўйилган. Лекин 27 та туманда савдога чиқарилган майдонлар сони 10 тага ҳам етмаган.

Шу сабабли бундай сусткашликка йўл қўйган шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари

интизомий жазо чоралари белгиланди.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 9 ой ва йил якунигача бўлган режалар муҳокама қилинар экан, Бухоро тажрибаси бу борада намуна қилиб кўрсатилди.

Мисол учун, Бухоро шаҳридаги тадбиркорлар меҳмонхона, ошхона, савдо дўконларининг том қисмида ресторан ва кафетерийлар ташкил этган. Имтиёзли кредитлар самарадорлиги таҳлил қилинганда, бир иш ўрни очиш учун ўртача 8-9 миллион сўм кетган, холос.

Мутасаддиларга ушбу тажрибани бошқа шаҳар ва туман марказларида ҳам жорий қилиш, бунинг учун хавфсизлик талаблари ҳамда ижарага бериш шартларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Умуман, юртимизда аҳолига қулай ва серкратнов йўл бўлирида давлат идораларининг балансидagi 4 мингга яқин маъмурий бино жойлашган. Ушбу бино ва иншоотлардан ҳам сервис соҳасида самарали фойдаланиш мумкинлиги таъкидланди.

Хизмат шохобчалари ташкил этиш учун, аввало, қулай жой керак. Шу боис, йиғилишда яна 25 мингта ер майдонлари сервис ва савдо объектилари учун аукционга чиқарилиши белгиланди.

Бу борада аҳолига янада қулайлик яратиш учун энди ерларни аукционга қўйиш жараёни ижара бўйича 48 кундан 15 кунга, мулк ҳуқуқида 74 кундан 20 кунга қисқартирилади. Ер майдонларини баҳолаш экспертизадан ўтказилмайди, ҳақиқий баҳоси аукционда аниқланади.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 январдан

бошлаб, ерларни аукционга чиқаришда кадастр идораларида бор маълумотларни бошқа идоралар билан келишиш тартиби бекор қилинади. Барча вазирликларнинг кадастр маълумотлари Миллий геоахборот тизимига киритилади.

Жорий йил 1 сентябргача 205 та туман ва шаҳарда 253 та махсус савдо ва хизмат кўрсатиш кўчаларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун ўтган йили республика бюджетидан 1 триллион 400 миллиард сўм, жорий йилда эса 900 миллиард сўм ажратилган.

Масалан, Жиззах шаҳрининг Жиззахлик маҳалласидаги Ёпиқ кўча Шароф Рашидов марказий кўчасига боғланиб, савдо ва сервис шохобчаларига туну кун ишлашга рухсат берилган. Натижада бизнес ривожланиб, 200 та иш ўрни пайдо бўлган.

Вилоят ҳокимларига шаҳар ва туманларда шундай кўчалар ташкил этиб, сервисни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ёки яна бир мисол: Бойсундаги машхур Омонхона сиахтоҳи атрофида 3 та меҳмонхона бор. Лекин жой етишмаслиги сабабли меҳмонларни қишлоқдаги хонадонлар қабул қилади. Агар бу сиахтоҳга олиб борувчи йўл яхшиланса, меҳмонлар сони янада кўпайиши, йўл бўйида 200 дан зиёд савдо ва хизмат объектилари ташкил этилиши мумкин. Шу боис, мутасаддиларга Омонхона қишлоғини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Шундай ёндашув асосида хорижий консалтинг компаниялари ва экспертлари жалб қилиб, 28 та шаҳар ва хизмат

салоҳияти юқори 10 та тумanning "мастер режаси"ни ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президент кўчма ва энгил конструкцияли савдо фаолияти учун талабларни соддалаштириш зарурлигини таъкидлади.

Жумладан, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, маҳалла, ободонлаштириш ва йўл ташкилотларига ўз ҳудудида мавсумий кафе ва савдо нуқталарини ташкил этишга рухсат берилади. Бу орқали қарийб 50 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Йиғилишда транспорт соҳасига хусусий инвесторларни жалб қилиш, хизматлар турини кўпайтириш, Автомобиль йўллари кўмитаси фаолиятини трансформация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари яқинда маҳалаларда бўлиб ўтган сайловларга ҳам тўхталиб, раисларни сайлангани билан табриклади.

— Элга бош бўлиш бу — катта масъулия. Маҳалла раислари мамлакатимиздаги ислохотларни ҳар бир хонадонга етказишда, одамларнинг талабини ҳокимлар олдида қўйиб, халқимизни рози қилишда етакчи бўлиши зарур. Бугун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича қўйилган аниқ масалалар ҳам энг аввало маҳалладан бошланиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва ҳоким ёрдамчилари сўзга чиқиб, режа ва тақдирларини баён этди.

ЎЗ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА МИГРАЦИЯ

Янги Ўзбекистоннинг бутун халқаро ҳамжамиятга очкичлик сиёсати мамлакат фуқаролари учун эркин миграцияга кенг имконият яратиб берди. Қолаверса, мамлакатимизга келаётган чет эл фуқаролари учун қулай ҳуқуқий муҳит яратиш мақсадида халқаро стандартларга жавоб берувчи миграцион назорат тизими ва қонунчилик базаси яратилди.



Миграция соҳасидаги давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири миграцияга доир қонунчиликни мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш ҳисобланади. Ўзбекистонда миграция соҳасида туризмни ривожлантириш, меҳнат-мигрантларимизни ижтимоий ҳимоялаш, чет эл фуқароларининг мамлакатимизда меҳнат қилиши ва ватандошларимиз тарихий ватанига қайтиши учун бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

БУНЁДКОРЛИК

БИР КУНДА 600 МИНГ ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ

Тошкент метрополитенининг навбатдаги босқичи ишга тушиши билан унинг жами узунлиги 70 километрдан зиёд бўлади, бекатлар сони 50 тага етади. Сўнгги йилларда пойтахтимиз аҳолиси учун жамоат транспортини тубдан ривожлантириш ва халқаро талабларга мос тизимни яратишга катта аҳамият қаратиляпти. Айниқса, ер ости ва ер усти метрополитени йўналишларини қуриш борасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилляпти.

Президентимиз 2017 йил 19 майда "Тошкент шаҳрида ер усти метро линияларининг қурилиши" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни имзолаган эди. Мазкур ҳужжат асосида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан 2020 йилда, мустақиллик айёми арафасида узунлиги 2,9 километр бўлган "Туркистон" ва "Юнусобод" ер ости метро бекатлари ҳамда 11,5 километр бўлган "Дўстлик — Қўйлик" ер усти линияси бунёд этилишига, жами 7 та бекат фойдаланишга топширилди.

Ўтган йил охирида эса 5 та бекатдан иборат Сергели ер усти йўналиши ҳам қуриб битказилди. Бугунги кунда у ҳар куни

46 минг йўловчининг манзилини яқин қияляпти. Давлатимиз раҳбари қарорига кўра, Тошкент халқа ер усти метрополитени линиясининг умумий узунлиги 54,8 километрни ташкил этади.

— Ана шу вақтда пойтахтимиздаги ер усти метро линияси 2-босқичининг 15 километрни Қўйлик — Қипчоқ — Янгиҳаёт йўналишини барпо этиш ишлари бошланган эди, — дейди "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бош менежери — бош муҳандиси Зафар Махаматов. — Бу қурилиш "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг "Қўриққурилиш трести" унитар корхонаси бунёдкорлари томонидан бажарилляпти.

▶ Давоми 2-бетда



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

бугунги ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан биридир



Кейинги пайтларда ун ва нон нархининг ошиши оддий одамлар орасида ҳам, оммавий ахборот воситаларию ижтимоий тармоқларда ҳам асосий муҳокама мавзуларидан бирига айланди. Бинобарин, ун ва ноннинг баҳоси бирданига сезиларли даражада қимматлашиши кутилмаган ҳолат бўлди. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Қуйида шулар ҳусусида фикр юритамиз.

▶ Давоми 4-бетда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

ОЛИЙГОҲ ҲАМ, ТАДБИРКОР ҲАМ, ТАЛАБА ҲАМ БИРДЕК МАНФААТДОР

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан охирги йилларда юртимизда ётоқхоналарга бўлган эҳтиёжни қондиришнинг босқичма-босқич, лекин жадал ечими бўйича ўзига хос тизим яратилди. Бу эса, ўз навбатида, талабаларни турар жой билан таъминлаш масаласининг долзарблигини янада оширди.

Қайд этиш лозимки, мазкур тизим асосида, биринчидан, мавжуд талабалар турар жойларидаги яшаш хоналарини оптималлаштириш ва икки қаватли қаравотларни ўрнатиш орқали қўшимча 20 минг ўрин ташкил этилди. Шунингдек, давлат бюджетидан маблағлари, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари пули ҳамда давлат-хусусий шериклик ва ижара асосида қўшимча 11,4 минг ўринли 29 та талабалар турар жойи

қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Натижада ўтган йилнинг ўзига қўшимча 32,1 минг ўрин яратилди ва давлат олий таълим муассасаларидаги талабалар турар жойлари сони 257 тага етказилди. Бу 91,4 минг талабани жойлаштириш имкониятини яратди ва ётоқхонага эҳтиёжнинг 41 фоизи қопланди. Шунга қарамаздан, ҳозир қўшимча 131,6 минг ўринли талабалар турар жойларига эҳтиёж сақланиб қолмоқда.

Ёшларга қаратиляётган юксак эътибор туфайли ётоқхона билан таъминланмаган ҳамда ўзига, шу жумладан, ота-онасига тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг 50 фоизи давлат бюджетига ҳисобидан қоплаб берилмоқда.

▶ Давоми 5-бетда





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасида вазирликлар, идоралар ҳамда Наманган ва Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар эшитилди.

Жорий йилда жойларда ушбу йўналишда куйидагилар амалга оширилган: **Биринчидан, 9 309 нафар** ҳоким ёрдамчиси маҳаллаларда ўз иш фаолиятини бошлади ва уларга амалий кўмак бериш учун иқтисодиёт ва инвестиция комплексларида кирувчи вазирликлар, идоралар, тижорат банкларининг ҳар бир туман (шаҳар)га бириктирилган **300 нафар** раҳбар ходими **бир йиллик хизмат сафарига** юборилган.

Иккинчидан, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини рақамлаштириш, инсон омилисиз улар фаолиятини мониторинг қилиш ва баҳолаб бориш мақсадида **“Online-mahalla.uz”** платформаси ишга туширилган.

Учинчидан, хонадонларда хатлов ўтказиш учун **сўровнома, иш режа, маҳаллани иқтисодий ривожлантириш “Йўл харитаси”**нинг намунавий шакллари, **202 та** кичик лойиҳани ўз ичига олган **тайёр бизнес режалар** ҳамда **Smartposter** таригот тўплами ҳоким ёрдамчиларига етказилган.

Тўртинчидан, ҳоким ёрдамчилари томонидан **“маҳаллабай”** ишлаш тизими бўйича маҳаллаларда уйма-уй юриб ўтказилган сўровномалар асосида хонадонлар хатловдан ўтказилиб, улар **4 тоифага** ажратилган.

Шундан келиб чиқиб, ҳоким ёрдамчилари кўмаги билан **736 минг** фуқаронинг бандлиги таъминланган, **54 минг** фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган. Шунингдек,

50 мингга яқин оилавий тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун **1,3 триллион сўм** кредит ҳамда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларга меҳнат куруллари ва асбоб-ускуналар олиб бериш учун **19 миллиард сўм** дан ортик субсидия ажратилган.

Наманган вилоятида **94,6 минг** ва Сирдарё вилоятида **20,4 минг** фуқаронинг бандлиги таъминланган. Шунингдек, Наманган вилоятида **5,1 минг** ва Сирдарё вилоятида **2,6 минг** фуқаро касб-ҳунарга ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган.

Энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари бўйича **Наманган вилоятида 513 та, Сирдарё вилоятида 173 та** ҳоким ёрдамчисининг фаолияти **“қоникарли”** баҳоланган.

Мажлисида эришилган ижобий натижалар қаторида жойларда ҳокимлар, уларнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, сектор раҳбарлари томонидан ҳоким ёрдамчилари фаолиятига етарли эътибор қаратилмагани ҳамда ўзаро самарали ҳамкорлик тизими йўлга қўйилмагани натижасида **Наманган вилоятида 267 нафар, Сирдарё вилоятида 63 нафар** ҳоким ёрдамчиси фаолияти **“қоникарсиз”** баҳолангани қайд этилди.

Муҳокама якунлари асосида республика комиссияси, мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларига ҳоким ёрдамчилари фао-

лияти самарадорлигини ошириш ҳамда **“маҳаллабай”** ишлаш тизими орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб этиш ва бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар устидан таъсирчан назоратни кучайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Хусусан:

Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш бўйича республика комиссияси (Кўчқоров)га:

тижорат банклари томонидан **“етақчи”** тадбиркорларнинг самарали бизнес лойиҳалари асосида кредит маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминлаш;

ҳар бир туман (шаҳар)нинг **“маҳаллабай”** кесимидаги камбағалликни қисқартириш ва ҳудудни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқишда маҳаллий ҳокимликларга амалий ёрдам кўрсатиш;

ҳудудларда **“маҳаллабай”** ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолини даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни доимий назоратга олиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига:

энг яхши натижа кўрсатган **14 нафар** ҳоким ёрдамчисини мукофотлаш;

ҳоким ёрдамчилари фаолияти **“қоникарсиз”** деб баҳоланган маҳаллага борган ҳолда, муаммоларни ҳал қилиш бўйича **“Йўл хариталари”**ни тасдиқлаш;

тижорат банклари ва ҳоким ёрдамчилари билан биргаликда ҳар бир маҳалла кесимида лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш ҳамда уларга зарур кредит маблағларини ажратишга кўмаклашиш;

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига:

республика вакиллари билан биргаликда тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фаолияти **“қоникарсиз”** деб топилган ҳоким ёрдамчиларини доимий ўқитишни ташкил этиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш;

маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фаолияти **“қоникарсиз”** деб баҳоланган маҳаллада мавжуд шаъроитларни яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини танқидий муҳокама қилиб бориш.

Муҳокама якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ДАВРА СУҲБАТИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ТАЪЛИМ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ТАЖРИБАСИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди



Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизнинг тегишли илм-фан муассасалари вакиллари билан бир қаторда Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти олимлари ҳам иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини яратмасдан туриб ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш мушкул. Шу боис, мамлакатимиздаги демократик ислохотлар жараёнида бу масалага устувор эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортик халқаро ҳужжатга қўшилган. Бу ҳужжатлар орқали зиммага олинган мажбуриятлар изчил бажарилмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида нафақат миллий лойиҳаларни амалга ошириш, балки инсониятнинг

келгуси тараққиётига хизмат қиладиган муҳим халқаро ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, жорий йилда мамлакатимизда “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форуми ўтказилиши режалаштирилган. Унда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари ва вазифалари муҳокама қилиниши кўзда тутилмоқда. Кечаги давра суҳбати бу тадбирга тайёргарлик доирасида амалга оширилаётган муҳим лойиҳалардан биридир.

Тадбирда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, тегишли таълим ва илм-фан муассасалари томонидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Жумладан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ тегишли давлат ва нодавлат ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида билим ва малакасини юксалтириш, бу йўналишдаги илмий изланишлар қўламини кенгайтириш борасида изчил иш

олиб бормоқда. Марказда Марказий Осиёда ягона ихтисослаштирилган инсон ҳуқуқлари бўйича оммавий кутубхона фаолият юритади. Мазкур кутубхона инсон ҳуқуқларига доир ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган бой китоб фондига эга.

Тадбир доирасида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

— Сўнгги йилларда давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси тўғрисида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди, — деди Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти раиси Мухаррам Қилич. — Юртингизга ташрифдан мақсадимиз давлатларимиз ўртасидаги ана шундай муносабатлар ривожига муносиб улуш қўшишдир. Ташрифимиз қизгин мулоқотларга бой бўлди. Инсон ҳуқуқлари таълими соҳасида миллий ва жаҳон тажрибаси бўйича ҳар томонлама фикр алмашдик, ўзаро англашув меморандуми имзоландик. Ушбу йўналишдаги илмий-амалий алоқаларимиз нафақат миллий, глобал аҳамиятга молик муҳим масалаларга оқилона ечим топишда ҳам ўз самарасини беради, дея ишонч билан айта оламиз.

Давра суҳбатига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси ва Тошкент давлат юридик университети, Туркиянинг Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институтининг инсон ҳуқуқлари таълими йўналишидаги фаолиятига оид маърузалар тингланди. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим миллий дастурини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикрлашилди.

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

БУНЁДКОРЛИК

Рустам ҲАЙДАРОВ, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ахборот-таҳлилий медиа маркази мутахассиси, Абдурауф ҚОРЖОВОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Тошкент халқа ер усти метро йўлининг мазкур босқичи Қўйлиқ бозоридан бошланиб, Катта халқа йўлининг Миробод ва Сергели туманлари ҳудудидаги қисми, Зангиота туманидаги Хонобод ҳамда Сергели туманининг Қипчоқ кўчаларидан ўтиб, Сергели линиясининг 5-бекатига уланади. Ушбу йўналишда 7 та бекат қурилиши режалаштирилган. Шу ўринда қайд этиш жоиз, унинг охири бекати

Янгиҳаёт туманидаги кўп тармоқли касалхона, Тошкент металлургия заводи ҳамда тез орада барпо этиладиган ва келгусида 60 минг киши истиқомат қилиши кўзда тутилган мега лойиҳа — “Minerva city”га яқин ерда жойлашади. Бу, ўз навбатида, шу ерда яшовчи ва ташриф буюрувчилар учун ҳам тезкор, қулай ва арзон транспорт туридан фойдаланиш имконини беради. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

БИР КУНДА 600

“БУГУНГИ КУНДА ЛОЙИХАНИНГ 2-БОСҚИЧИДА 11,62 КИЛОМЕТРЛИ ҚЎЙЛИҚ — СЕРГЕЛИ УЧАСТКАСИДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЖАДАЛЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ЛОЙИХА БЎЙИЧА ШУ КУНГА ҚАДАР 2 МИНГ 418 ТА ТЕМИР-БЕТОН БАЛКАДАН 1 МИНГ 81 ТАСИ, 405 ТА ТЕМИР-БЕТОН КЎНДАЛАНГ УСТУНДАН 217 ТАСИ, 405 ТА ТЕМИР-БЕТОН РИГЕЛДАН 208 ТАСИ, 405 ТА 1 ЯРУСЛИ ТЕМИР-БЕТОН АСОСДАН 221 ТАСИ, АНА ШУНДАЙ 405 ТА 2 ЯРУСЛИСИДАН 220 ТАСИ ҲАМДА 405 ТА ХАНДАҚ (КОТЛОВАН)ДАН 232 ТАСИДАГИ ИШЛАР БАЖАРИЛДИ.



“ҚЎЙЛИҚ БОЗОРИДАН ТОШКЕНТ ХАЛҚА ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ҚУРИЛГАН МЕТРО ЙЎНАЛИШИНING 8, 9 ВА 10-БЕКАТЛАРИ ОРАЛИГИДА ЭСТАКАДА ШАКЛИДАГИ ҚУРИЛИШНИНГ ТЕМИР-БЕТОН ИШЛАРИ ЯКУНИГА ЕТИБ ҚОЛГАНИ БОИС, “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖНИНГ ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ МУТАХАССИСЛАРИ РЕЛЬС ЁТҚИЗИШНИ БОШЛАБ ЮБОРДИ.

МИНГ ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ

Президентимиз 6 июнь куни Тошкент ер усти халқа метросининг иккинчи босқичи қурилишини бориб кўрди ва амалга оширилаётган ишларнинг сифатини кўздан кечирди.

— Ер усти метроси қуриш тажрибамизда йўқ эди. Биз янги тарих яратаямиз. Шунинг учун йўлнинг мустаҳкамлигини яна бир марта жиддий кўриб чиқиш керак. Иккинчидан, метрода, бекатларда одамлар учун замонавий, электрон хизматларни кўпайтириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.



КЎРСАТИЛАДИ

Бугунги кунда лойиҳанинг 2-босқичида 11,62 километрли Қўйлиқ — Сергели участкасида қурилиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Жумладан, лойиҳа бўйича шу кунга қадар 2 минг 418 та темир-бетон балкадан 1 минг 81 таси, 405 та темир-бетон кўндаланг устундан 217 таси, 405 та темир-бетон ригелдан 208 таси, 405 та 1 ярусли темир-бетон асосдан 221 таси, ана шундай 405 та 2 яруслисидан 220 таси ҳамда 405 та хандақ (котловандан 232 тасидаги ишлар бажарилди.

— Ер усти метро йўналишининг биринчи босқичи бўлган Дўстлик — Қўйлиқ йўналишида бозор ҳудудидаги 7-бекат унинг сўнгги манзили ҳисобланади, — дейди Зафар Махаматов. — Айни пайтда Тошкент халқа автомобиль йўли бўйлаб қурилаётган 2-босқичда 8, 9, 10-бекатлар оралиғида пойдевор, устун ҳамда ригеллар ва уларга 26,6 метрли балкалар ўрнатиб бўлинди.

Бекатларда эса қурилиш ишлари давом этмоқда. Хусусан, 8-бекатнинг биринчи қаватида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Бино деворлари ҳар қандай об-ҳавога чидамли кафеъл ҳамда мрамар билан қопланяпти. Унинг ичи миллий дизайн асосида безатилиб, йўлакларига ҳам кўркам ва ўта чидамли мрамар ётқизилляпти. Станциянинг 2-қаватдаги перрон қисмида ҳам тез орада пардозлашга ўтилади.

9 ва 10-бекатларда ҳам асосий қурилиш ишлари тугатилиб, пардозлаш, электр, сантехника ва алоқа тизими монтаж қилинмоқда. 11 ва 12-бекатда ҳам ишлар қизгин давом этмоқда. Темирюлчилар лойиҳанинг энг мураккаб қисми

саналган Тошкент халқа автомобиль йўлининг Хонобод кўчасига туташган жойида монолит усулдаги эстакада барпо этилпти. Бундан ташқари, шу кўчанинг ўзидан ўтадиган ер усти метросининг пойдевор, устун ва ригелларнинг қурилиш ишлари деярли якунига етган бўлса, Қипчоқ кўчасида пойдеворлар қазилиб, устунлар ўрнатишмоқда.

Қўйлиқ бозоридан Тошкент халқа йўли бўйлаб қурилган метро йўналишининг 8, 9 ва 10-бекатлари оралиғида эстакада шаклидаги қурилишнинг темир-бетон ишлари якунига етиб қолгани боис, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг йўл хўжалиги бошқармаси мутахассислари рельс ётқизишни бошлаб юборди. Шу пайтга қадар бу ва бошқа бекатлар оралиғига ўрнатиш пўлат изларнинг узунлиги 3,5 километрдан ошди.

Тошкент ер усти халқа метро йўналишининг 2-босқичида амалга оширилаётган қурилиш ишларига 155 та техника, машина ва механизм ҳамда 850 нафарга яқин малакали муҳандис ва ишчи-ҳодим жалб қилинган. Ишчи-қурувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Уларнинг меҳнат муҳофазасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатиши назоратга олинган. Объектларга зарур қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ер усти метроси қурилиши жараёнида бажарилаётган ишлар сифати Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси ҳамда “Ўздавтемирюл назорат” инспекцияси томонидан мунтазам назорат қилиб боришмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА МИГРАЦИЯ



Лукмонжон ИСОҚОВ,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган вазият фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, ушбу йўналишда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кўриш, жумладан, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан миграциядаги шахсларга доир маълумотлар тезкор алмашинувини йўлга қўйиш заруратини яна бир марта таъкидлаш мумкин.

Одатда, миграция ҳуқуқининг мазмун-моҳияти бир қанча ҳуқуқий поғоналарга тааллуқли принциплар орқали ифодаланади.

Конституциявий нормаларда мустақамланган ушбу ҳуқуқ шахснинг конституциявий ҳуқуқий мақомининг устувор манбалари ҳисобланадиган 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга тўла мувофиқ келади. Мазкур ҳуқуқнинг эътироф этилгани ва кафолатлангани нафақат мамлакатимиз, балки унинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашуви нуктаи назаридан юртимизга келадиган мигрантлар учун ҳам аҳамиятли.

Конституциямизнинг 22-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. Шу билан бирга, Конституциянинг 23-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши, шунингдек, улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчлари адо этиши мустақамланган. Чунончи, Асосий қонуннинг 28-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга, деб таъкидланади. Мазкур қоида Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 13-моддаси мазмунига мувофиқ равишда тузилган. Унда таъкид-

ланишича, биринчидан, ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юриш ва яшаш жойи танлаш ҳуқуқига эга, иккинчидан, ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан, ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эга.

Шу тариқа Ўзбекистон Конституциясида миграцион жараёнларнинг турли жиҳатлари ўз аксини топган. Жумладан, миграция жараёнларини тартибга солиш, ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқ асослари мустақамланган. Конституциявий нормалар тўғридан-тўғри амал қилиши туфайли Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Тўғридан-тўғри амал қилиш ҳуқуқни қўллаш органларидан қарор қабул қилаётиб, аввало, конституциявий нормага ва ундан кейингина уни ривожлантириш учун қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга ҳавола қилишни талаб этади.

Мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида хориж тажрибасини ҳам ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, МДҚнинг бошқа мамлакатларида ҳам миграцияга оид конституциявий нормалар қўбсий таҳлили шуни кўрсатдики, ушбу давлатлар фуқаролари хорижга чиқиши, айниқса, қайтиб келишида тўсиқсиз ва исталган пайт эркин ҳаракатланиши, шу билан бирга, ушбу давлатлар ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми аниқ ва равшан белгиланган.

Масалан, Арманистон (40-модда), Грузия (14-модда), Озарбайжон (28-модда), Россия (27-модда), Украина (33-модда) ва Қозоғистон

да), Марокаш (24-модда), Руминия (25-модда), Туркия (23-модда) каби бир қатор давлатларнинг Асосий қонунларида учрайди.

Ўрганилган хориж тажрибасидан келиб чиқиб, ўзимизнинг миллий амалиёт ҳусусида айрим фикр-мулоҳазаларни ҳам келтириб ўташим.

Асосий қонуннинг 28-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир”, дейилган.

Амалдаги таҳрирда Ўзбекистон ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш каби категорияларнинг учаласи ҳам истисно тарзида қонун билан чекланиши мумкин.

Шу ўринда қуйидаги ҳуқуқий муаммолар алоҳида эътибор қаратиш лозим. Конституция талабларини бажариш мақсадида мамлакатимизда шахснинг чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклашни фақат қонун асосида белгилаш кўзда тутилган бўлса ҳам, мазкур чекловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4079-сон қарори билан белгилаб қўйилгани коллизияни келтириб чиқармоқда.

БИРИНЧИ ТАКЛИФ

Хорижий амалиётни ўрганиш натижаси асосида, Конституциямизнинг миграция ҳуқуқига доир қуйидаги чет элга қийдаги учта принципларни қайта кўриб чиқиш лозим. Жумладан, мамлакат инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш мақсадида, умумэтироф этилган принципларга мос равишда, Конституциямизнинг 28-моддасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда, мамлакатимизда қонуний асосда

“ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТНИ ЎРГАНИШ НАТИЖАСИ АСОСИДА, КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МИГРАЦИЯ ҲУҚУҚИГА ДОИР ҚУЙДАГИ УЧТА ПРИНЦИПНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ ЛОЗИМ. ЖУМЛАДАН, МАМЛАКАТ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА, УМУМЭТИРОФ ЭТИЛГАН ПРИНЦИПЛАРГА МОС РАВИШДА, КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 28-МОДДАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВАҚТИ КЕЛДИ, ДЕБ ЎЙЛАЙМИЗ.

(21-модда) конституцияларида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи мамлакат ҳудудида қонуний бўлиб турган ҳар бир шахс учун кафолатланади.

Қирғизистон (16-модда) ва Молдова (27-модда) конституцияларида эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқлари билан бир қаторда бўлиш жойини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланган. Бироқ таҳлил қилинган мамлакатлардаги конституциялар ва қонунчилик ҳужжатларида эркин ҳаракатланиш принцили ҳамда яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи эътироф этилганига қарамай, мазкур давлатлар фуқаролари амалда ушбу ҳуқуқларни амалга оширишда муайян даражада чекланган. Зеро, рухсат берувчи пропискиа институти Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг қўлига давлатларида ҳануз бекор қилинмаган.

Фуқаролар хорижга чиқиши, эркин ҳаракатланиши, айниқса, тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келиши ҳақидаги норма Канада (6-мод-

бўлиб турган ҳар қандай шахс, жумладан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам эркин ҳаракатланиши ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистондан чиқиб кетиш ҳуқуқи қонун билан чекланса ҳам, Ўзбекистон фуқаросини Республика ҳудудида хоҳлаган вақти ва тўсиқларсиз қайтиб келиш ҳуқуқи таъминланиши мақсадида мувофиқ бўлади.

Учинчидан, эркин ҳаракатланиш билан бир қаторда эркин жой танлаш принцили миграция ҳуқуқининг асосий таркибий қисмини ташкил этади. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эркин яшаш жойини танлаш ҳуқуқи мустақамланмаган. Шу боис, ушбу конституциявий модда қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф этилади:

“28-модда. Ўзбекистон Республикасида қонуний асосда бўлиб турган ҳар қандай шахс Республика ҳудудида эркин ҳаракатланиши, яшаш жойини танлаши ва Ўзбекистон Респуб-



“ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИДА МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТУРЛИ ЖИҲАТЛАРИ ЎЗ АКСINI ТОПГАН. ЖУМЛАДАН, МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, ҲАРАКАТЛАНИШ ЭРКИНЛИГИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНГАН. КОНСТИТУЦИЯВИЙ НОРМАЛАР ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛИШИ ТУФАЙЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 44-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҲАР БИР ШАХСГА ЎЗ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ, МАНСАБДОР ШАХСЛАР, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНАДИ.

ликасидан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси **Республикага тўсиқсиз ва исталган вақт қайтиб келиш ҳуқуқига эга**”.

ИККИНЧИ ТАКЛИФ

Конституциямизнинг 23-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган **“бурчларни адо этадилар”** дейилган, лекин уларнинг бурчлари нималардан иборатлиги кўрсатилмаган. Шу боис, мигрантларга **нафақат ҳуқуқ, балки бурчлар** ҳам конституциявий жиҳатдан мустақамланиши лозим. Жумладан, 48-51-моддаларда **“фуқаро”** сўзини **“ҳар қандай шахс”** сўзи билан алмаштириш лозим:

“48-модда. **Ҳар қандай шахс** Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир.

49-модда. **Ҳар қандай шахс** Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдир. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. **Ҳар қандай шахс** атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир.

51-модда. **Ҳар қандай шахс** қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдир”.

УЧИНЧИ ТАКЛИФ

Мигрант мамлакат ичидаги ҳуқуқий ҳимояни амалга оширишга ваколатли бўлган суднинг барча инстанцияларини ўтаган ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмаган, деб ҳисоблаган тақдирда, халқаро даражадаги ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли бўлиши лозим. Шу боис, 44-моддани қуйидаги қўшимча банд билан тўлдириш лозим:

“44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. **Шахс барча инстанцияларини ўтаган ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилмаган, деб ҳисоблаган тақдирда, халқаро даражадаги ташкилотларга мурожаат қилишга ҳақли**”.

Ўйлаймизки, мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари тобора ривожланиб, такомиллашиб боради. Зеро, фақат давр талабларига жавоб берадиган Конституциягина йирик иқтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларнинг самарадорлиги учун зарур бўлган динамикам ва барқарорлик уйғунлигини таъминлаб бера олади.

МУНОСАБАТ



Мухторхон ТОШХЎЖАЕВ,
Миллий паролнинг
қўмитаси раиси

Ўтган йили давлатимиз раҳбари XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашувида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси таркибида “Матонат мактаби” ташкил этиш таклифини билдирганди.

“Афсуски, ҳозирги вақтда ёшлар орасида ҳаётда озгина тўсиқ ёки қийинчиликка учраса, ўзини йўқотиб, умидсизликка тушиб қоладиган, ноқўя йўللарга кириб кетадиган йигит-қизлар ҳам йўқ эмас. Сизлар ёшлар билан учрашиб, ўз ҳаётингиз, машаққатли йўлингиз, қийинчиликларини қандай енгиб ўтаётганингиз ҳақида сўзлаб берсангиз, улар, албатта, сизларга эргашади”, дея таъкидлаган эди Президентимиз.

Паралимпиячиларнинг матонат мактаби таълим муассасалари, меҳнат

МАТОНАТ МАКТАБИ — ОРЗУ-ИСТАКЛАР РЎЁБИ

Ҳар бир мамлакат доврўғини дунёга танитишда спортнинг муҳим ўрни бор. Юртимизда параспортта қаратилаётган эътибор туфайли кўплаб ютуқлар қўлга киритилмоқда. 2021 йил май ойида Президентимизнинг “Паралимпия ҳаракатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинган бўлса, бу йил мана ана шу қарорнинг изчил давоми сифатида “Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

жамоалари ҳамда маҳаллаларда жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг қўлга киритган ютуқлари, уларнинг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилиш мактаби демакдир.

Бу бизга нима беради?

Аввало, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, ёшларда ҳалоллик, виждонлилик, ватанпарварлик каби фазилатлар, миллий ғурур туйғуларини шакллантиради. Қолаверса, ёшларни параспорт турларига кенгроқ жалб қилиш механизми ишга туширилади.

Мактабнинг яна бир вазифаси — иқтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат органлари ва ташкилотларига тақлифлар киритиш ҳамда тавсиялар бериш. Шунингдек, ёшларга ўрнатилган кўрсатиш ва шахсий намуна сифатида уларни матонатли этиб тарбиялаш, бу борада илмий-амалий анжуманлар, савол-жавоб кечалари, китобхонлик, ўйинлар, машҳур кишилар билан учра-

шувлар ташкил этишда матонат мактаби етакчи роль ўйнайди.

Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси ҳузурида “Матонат мактаби” ташкил қилиниб, унга қўмита раиси раҳбарлик қилиши белгиланди. Бунга қўшимча равишда 2 штат бirlиғи ажратилади. Паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши Паралимпиячиларнинг матонат мактаби фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва паралимпия спорт турларини янада ривожлантириш бўйича республика кенгаши этиб қайта номланган.

Бизга бу борада Мудофаа ҳамда Спортни ривожлантириш вазирликлари ёрдам беради. Матонат мактаби ютуқлари, мактаб вакиллариининг ибратли ҳаёт тарзини тарғиб қилишга Мудофаа вазирлиги ёрдам берса, ёшларни параспорт турларига кенг жалб қилиш соҳасидаги вазифалар Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Мақсади-миз “**Янги Ўзбекистон — янги ғала-**



“МАТОНАТ МАКТАБИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИНИ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИГА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ЭТИШ МАҚСАДИДА 2023 ЙИЛДАН БОШЛАБ ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРОТАБА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА “ПАРАЛИМПИА МАТОНАТЧИЛАРИ” ХАЛҚАРО ФОРУМИ ЎТКАЗИЛАДИ.

балар сари” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтиришга қаратилган.

Янги ҳаётга қадам қўяётган ҳар қандай ёшнинг ўзи интилган инсонни, севиб қўллаб-қувватлайдиган спортчилари бўлади. Шу маънода айтиш лозимки, бугунги паралимпиячиларимиз ҳам ўз иродаси ва матонати билан ана шундай шарафга лойиқ инсонлар. Гарчи жисмоний имконияти чекланган

бўлса-да, уларнинг ҳар бири қаҳрамон, ҳаёт йўли ибрат бўлишга ариғулик. Улар ҳақида фильмлар ишланади, кўрсатувлар тайёрланади, махсус китоблар чоп этилади. Инсон иродаси метиндек мустақамлиги кўрсатиб берилади.

Ҳужжат асосида пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий кўчасида жойлашган пиёдалар юриш ва дам олиш маска-

нида Паралимпиячилар боғи ташкил этилган. Тошкент метрополитенининг янги қурилаётган бекатларидан бирига “Паралимпия ҳаракати” номи берилди.

Матонат мактаби бўйича Ўзбекистон тажрибасини дунё мамлакатларига тарғибот-ташвиқот этиш мақсадида 2023 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба Тошкент шаҳрида “Паралимпия матонатчилари” халқаро форуми ўтказилади. Буларнинг барчаси ёшларнинг сеvimли паралимпиячилари тимсалини уларга иззат-икром ва ҳурмат кўрсатиш саналади. Ногиронлиги бўлган шахслар эътиборимиздан четда қолмайди.

Паралимпия бутун дунёга ёйилган хайрли ва савобли ҳаракатлардан саналади. Шунинг учун жисмоний имконияти чекланган ёки ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида оммавий спортни янада ривожлантирамиз. Ҳар бирининг иқтисоди ва имкониятига қараб парастол тенниси, парадзюдо, голбол, 5х5 футбол, параенгил атлетика, бочча, парапауэрлифтинг, парақиличбозлик, аравадада баскетбол каби спорт турларига алоҳида эътибор қаратамиз. Уларни зарурий спорт жиҳозлари ва спорт формалари билан таъминлаб борамиз.

Бу орқали профессионал спортни ҳам ривожлантириб, халқаро мусобақалар ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз доврўғини янада кенгроқ ёйишга ўз ҳиссамизни қўшамиз.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бугунги ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан биридир

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ўқувчиларга тушунарлироқ бўлиши учун гапни сал илгарироқ, яъни жорий йилнинг 31 май куни Президентимиз раислигида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида келтирилган рақамлар билан бошлаймиз. Ўша йиғилишда дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нархларнинг ўсиши кун сайин кучаяётгани айтилди. Хусусан, жаҳон бозорларида бугдой нархи 50 фоизга, ўсимлик ёғи 33 фоизга, шакар 14 фоизга, нефть 47 фоизга ошгани қайд этилди. Бу ҳолат ривожланиш йўлидаги жаҳон бозори билан интеграциялашув тобора чуқурлашиб бораётган Ўзбекистон учун ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди, албатта.

Шу боис, йиғилишда алмашлаб екишни ҳар бир туман кесимида аниқ тасдиқлаб, ташкил этиш, фермерларни серхосил озуқа уруғлари билан таъминлаш вазифаси муҳокама этилди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб олинди, бундай ишлар амалда ўз самарасини кўрсатади.


гани билан узилиш қузатилгани йўқ. Аксинча, корхона раҳбари Акмал Содиковнинг айтишича, ун биржа орқали харид қилиниши улар учун эркинлик берди. Яъни зарур маҳсулот керакли ҳажмдаги буюртмага қараб сотиб олинаверади. Ҳеч қандай чеклов ёки тақиқ йўқ.

Ҳисоб-китобларга кўра, 100 килограмм унга 1 килограмм 300 грамм туз ва 1 килограмм хамиртуруш қўшилади ва ундан 228 дона қолипни нон тайёрланади. 1 июнгача бугдойнинг бир килограмми 1525 сўм эди, ҳозир 3000 сўмга айланди. Бир килограмм унимиз эса 2255 сўм эди, энди биржадан 4300 сўмдан сотиб олинапти.

Шунингдек, нон тайёрлаш жараёнида сув, электр энергияси каби бошқа харажатлар ҳам йўқ эмас. Шундан келиб чиқиб, ноннинг ҳозирги кундаги таннархи 2700 сўмга тушяпти. Савдо шоҳочалари ҳам ўз улушини қўшганда, 2800 сўм келиб чиқади.

Айтиб ўтганимиздек, бугунги кунда савдо дўконларида бир дона қолипни нон нархи 2800 сўм. Вазирлик ва Республика товар-хонашёрлик биржаси вакилларининг айтишича, ун ёки нон нархида кескин кўтарилиш бўлмайди, аксинча, пасайиш кузатилиши мумкин. Чунки иқтисодий қоидага кўра, талаб даражасида етарлича маҳсулот ишлаб чиқариш имкони бўлганидан кейин нархлар ошиши кутилмайди.

Бундан ташқари, юртимизда ўрим-йиғим мавсуми ҳам аллақачон бошлан-



“ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КЎРА, 100 КИЛОГРАММ УНГА 1 КИЛОГРАММ 300 ГРАММ ТУЗ ВА 1 КИЛОГРАММ ХАМИРТУРУШ ҚЎШИЛАДИ ВА УНДАН 228 ДОНА ҚОЛИПНИ НОН ТАЙЁРЛанаДИ. 1 ИЮНГАЧА БУҒДОЙНИНГ БИР КИЛОГРАММИ 1525 СЎМ ЭДИ, ҲОЗИР 3000 СЎМГА АЙЛАНДИ. БИР КИЛОГРАММ УНИМИЗ ЭСА 2255 СЎМ ЭДИ, ЭНДИ БИРЖАДАН 4300 СЎМДАН СОТИБ ОЛИНАПТИ.

Мазкур вазифаларни ижро этиш доирасида Республика товар-хонашёрлик биржасида зарур шарт-шароитлар яратилган.

— Хусусан, бугдой маҳсулотларини биржа орқали сотишда фермерлар белгиланган биржа комиссиясн тўловлари ва гаров маблағларини киритишдан озод этилади, — дейди биржа бош маклери Исламбек Ибрагимов. — Бундан ташқари, бугдойнинг биржа орқали туманларда самарали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида 20 мингдан зиёд фермер ўқитилди ҳамда биржада электрон рақамли имзо орқали соддалаштирилган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, брокерлик идораларига бириктирилди.

Шу билан бирга, Республика товар-хонашёрлик биржасида фаолият юритаётган брокерлар сонини кўпайтириш мақсадида мутахассисларимиз томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг қарийб 200 ходими, фермер хўжалиқларининг 500 дан зиёд бухгалтерли брокерликка ўқитилиб, биржада брокер сифатида рўйхатдан ўтказилди.



Маълумки, коронавирус пандемияси шароитида, яъни 2020 йил 16 апрелдан, ун маҳсулотини биржа савдоларисиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш бўйича вақтинчалик тартиб ўрнатилган эди. Бироқ ушбу тизим шафқат бўлмагани туфайли жорий йил май ойида арзонлаштирилган уннинг бир қоли 140-145 минг сўм атрофида сотилиши тавсия этилганига қарамастан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўртача 270-290 минг сўм атрофида сотиб келинган. Шу муносабат билан, жорий йил 1 июндан бошлаб 1-навли ун маҳсулоти “Ўздонмаҳсулот” АК корхоналари томонидан очик биржа савдоларига қўйилиши ва сотилиши бошланди. Натижада жараён шафқатли ва бозор таъминлиги асосида ўтказилишига имкон яратилди.

Ўз навбатида, ун маҳсулотлари биржа орқали сотилиши, ҳақиқий бозор нархлари шаклланиши, ҳаракатланиши ҳамда

солиқ тушумлари шафқатлигини таъминлайди.

Бунгача мамлакатимизда истеъмол учун чиқарилган уннинг ойлик ҳажми 140 минг тоннани ташкил этган бўлса, июнь ойида биржа савдоларига 170 минг тонна ун маҳсулотлари қўйилиши кутилмоқда.

2020 йилда ўтказилган биржа савдоларига ўртача 6,9 минг тонна ун маҳсулотлари қўйилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 10 минг тоннани ташкил қилмоқда. Яъни мамлакатимизда ун захиралари етарли бўлгани сабабли биржа савдоларига кўпроқ миқдорда ун чиқарилмоқда ва ун бозорларида таклиф даражаси ошмоқда.

1-6 июнь кунлари Республика товар-хонашёрлик биржасида 1-навли ун бўйича дастлабки биржа савдолари ўтказилди. Қолаверса, бозорни тезкор тўлдириш мақсадида 4 июнь, шанба куни ҳам қўшимча биржа савдолари ташкил этилди. Пировардида, ўтган даврда “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидagi корхоналар томонидан биржа савдоларига 45 минг тонна



Модернизация — давр талаби

— Бугунги кунда “Ўздонмаҳсулот” АК тизим корхоналари томонидан ҳар куни биржа савдоларига 10 минг тонна ун қўйиб борилмоқда, — дейди компания бошқарма бошлиғи Ғофуржон Қаршибоев. — Биржада сотиб олинган маҳсулотларни корхоналаримиздан юклаб жўнатишда тўхталишларга йўл қўймаслик мақсадида иш икки сменада ташкил этилган. Гап галла етиштириш ва сотишга бозор таъминлигини қўллаш ҳақида кетар экан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 11 майдаги йиғилиши ва 28 майдаги қарорини алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, ушбу ҳужжат билан соҳани ислоҳ қилишга ва таъминлаштиришга мўлжалланган бир қатор аниқ вазифалар белгилаб берилди. Улар икросини таъминлаш мақсадида тизимдаги корхоналар фаолиятини тўлиқ қайта қўриб чиқиб, ҳар бир корхона кесимида юқори самарадорликка эришиш, сарф-хара-

ижобий ўзгаришлар келажақда соҳанинг янада ривожланиши ҳамда ички бозорни сифатли ун, нон ва нон маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконини беради. Шу мақсадда 20 та дон корхонасининг давлат улуши, 36 та носоҳавий-самарасиз ҳисобланган объектлар, шунингдек, нон-макарон цехлари оммавий савдоларга чиқарилиши белгиланган.

Бундан ташқари, фойдаланилмай бўш турган ер майдонлари самарасиз ҳада носоҳавий ҳисобланиб, уларни сақлашга сарфланаётган харажатлар фақат зарарга олиб бораётган объектлар рўйхатини шакллантириш ва уларни ҳам келгусида сотилишини ташкиллаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ҳозирги кунда “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидagi дон корхоналарида йиллик сақлаш қувватлари қарийб 4 миллион тонна галла сифимлари, ишлаб чиқариш қуввати 2 миллион 233 минг тонна бўлган 53 та ун тегирмони, йиллик қуввати 1 миллион 415 минг тонна бўлган 48 та омухта ем ишлаб чиқариш цехи ҳамда мавсумий қўнлик қуввати 9,4 минг тонна бўлган 62 та уруғлик дон тайёрлаш цехлари мавжуд.

Уларнинг йиллик ун ишлаб чиқариш қуввати 2016 йилда 1 миллион 885 минг



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

жатларни камайитириш ҳамда иқтисодий барқарор корхоналарга айлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўтган йиллар давомида компания таркибидagi корхоналар галлачилик хўжалиқларидан бугдойни арзон нархда сотиб олиши ва ишлаб чиқарилган маҳсулотни белгиланган нархда сотиш, ортиқча харажатлар қўллиги каби бир қатор омиллар билан рентабеллик даражаси пасайиб, эркин бозорда рақобатлашиш имкониятлари чекланишига олиб келган эди.

Соҳага эркин бозор муносабатлари кенг жорий этилиши, биринчи навбатда, компания таркибидagi 43 та дон корхонасини тубдан ислоҳ қилиш талабиди қўяди. Бугдойнинг баҳоси биржа савдоларида шакллангани каби уннинг нархи ҳам бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Бу ҳам дон корхоналарининг сифат ва нарх бўйича рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини такозо этади. Демак, бозор талабига қараб корхоналаримизда ишлаб чиқариш ҳажмини камайитириш чоралари кўрилади.

Ички бозорни бир маромда ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2022 йил ҳосилидан бошлаб дон корхоналарига галлани харид қилиши учун айланма маблағ сифатида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 800 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланди. Бу, албатта, ишлаб чиқарувчиларга яратилган катта имконият бўлиши билан биргаликда, бозорларимизда нарх барқарорлигини таъминлашга ҳам замин яратяпти.

Бугунги ислохот туфайли, галла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор таъминлигининг кенг жорий этилиши, амалга оширилаётган бир қатор

тоннани ташкил этган бўлса, охириги йилларда 43 та корхонадан 39 таси, яъни 91 фоизи замонавий хорижий технологиялар асосида модернизация қилиниши натижасида 2022 йилга келиб йиллик қуввати 2 миллион 233 минг тоннага етказилди.

2022 йил дон қабул мавсумида фаолият шафқатлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилаётган Мониторинг марказига галла қабул қилиш ва молиявий ҳисоботларни қўриш тизими интеграция қилинмоқда. Қўрииб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини, хусусан, ҳақиқимизнинг ун ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар аниқ мақсадни қўзлаган. Энг асосийси, булар одамларнинг фаровон ҳаёт кечиришига қаратилгани билан аҳамиятли.

Мақола тайёрланиш жараёнида оммавий ахборот воситаларида мавзуга доир яна бир хабарни ўқиб қолдим. Унда келтирилишича, мамлакатимизнинг жанубий ҳудуди — Сурхондарё вилоятининг Ангор тумани галлакорлари 6 минг 317, Термиз тумани деҳқонлари 5 минг 333 тонна дон йиғиб олиб, кластерлар билан шартнома шартларини бажарибди. Хабарда яна бугдойнинг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мос эртапишар, серхосил навли уруғлари экилгани, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани алоҳида қайд этилади. Бу — бошланиш. Галла ўрим-йиғим мавсуми энди авж палласига кирмоқда.

Жорий мавсум учун республикамызда ҳар қачонгидан кўп дон ҳосилини йиғиб олиш кутилмоқда. Демак, омборларимиз қуёш нуридан тўйинган дон билан, дастурхонларимиз тандирнинг иссиқ тафтида пилган нонлар билан тўлиб бораверади.



Нарх ошдими ёки бозор талабига мослашди?

Бозорда ун, нон ва бошқа озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари анча қимматлади. Буни ҳаммамиз кўриб-билиб туримиз. Бу ҳақда оддий одамлардан фикр сўрасангиз, табиийки, ҳолат рўзор бюджетига таъсир қилаётганини айтди ва бу инкор этиб бўлмас факт ҳам. Мутасаддилар-чи, улар қандай фикрда?

— Бир нарсани тўғри тушуниш керак, ҳозирги ҳолатда нон нархи ошди, дейиш нотўғри, — дейди Иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазирлиги маслаҳатчиси Шаҳобиддин Ортиқов. — Чунки унинг нархини бозор белгилайди. Яъни ун нархи бозор нархида шаклланиши каби, нон ҳам бозор нархида сотила бошланди. Ишлаб чиқаришда таннархи 2650-2700 сўм бўлган қолипни нон савдода 2800 сўмга чиқди.

Қолаверса, жорий йилнинг 1 июнидан эътиборан ун эркин биржа савдолари орқали сотила бошлади, танқислик бўларкан, деган маънода гап-сўзлар тарқалди. Аслида, ундай эмас. Масалан, ҳозирги кунга келиб, Тошкентдаги 55 та нон ишлаб чиқариш корхонаси бўйича доимий ўрганишларимизда айни пайтда “Тошкент нон” нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси тизимидagi корхоналарда ун захиралари ўртача тўрт кунгача етарли бўлиши ва учинчи кунни улар яна биржага чиқиб, ун харидига буюртма беришини маълум қилди. Аслида, нон ишлаб чиқаруви корхонада икки-уч кунлик захира бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Бу давлат биржа савдоларига ҳам, корхоналарда ҳам етарлича ун захира борлигидан далолат, албатта.

Пойтахтимиздаги нон ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири — “Боғистон нон” корхонаси фаолияти билан танишил чоғида амин бўлдики, ун нархи кўтарил-



ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ



Сарвархон БУЗРУКХОНОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари

ОЛИЙГОҲ ҲАМ, ТАДБИРКОР ҲАМ, ТАЛАБА ҲАМ БИРДЕК МАНФААТДОР

хар бир ётоқ ўрни учун тўланадиган субсидия миқдорининг камлиги бўлди.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 4 март куни олий ўқув юртлири талабалари бандлигини таъминлаш бўйича устувор вазифаларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда 2021 йилда талабалар ётоқхонаси бўйича тизим яратилгани таъкидланди, лекин барча ҳудудларда ҳам қурилиш ишлари бир хил олиб борилмаётгани қайд этилди. Шунингдек, талабалар учун ётоқхоналар қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жумладан, қайси олийгоҳ ректори ётоқхона қурилишининг 50 фоизини ўзи раҳбарлик қилаётган ўқув муассасаси маблағи ҳисобидан амалга ошириш ташаббусини билдирса, қолган 50 фоизи бюджетдан қоплаб берилиши белгиланди.

Вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг бу йил 6 майдаги “Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан Талабалар турар жойларини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш учун давлат бюджетидан субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида талабалар турар жойларини қуришда кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилган ётоқхоналардаги бир ётоқ ўрни учун давлат бюджетидан ажратиладиган субсидия миқдори оширилди.

Талабалар турар жойларини қурган тадбиркорларга икки томонлама кафолатланган маблағ тўланади. Дастурнинг жозибadorлигини ошириш учун субсидия икки баробар оширилди. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини эркин келишилладиган шартлар асосида молиялаштириш бўйича 1 нафар талаба учун бир йилга бериладиган субсидия базавий ҳисоблаш суммасининг 25 баробари (6 миллион 750 минг сўм) миқдоридда қоплаб берилади. Бу жараёнда олий таълим муассасаси ҳисобидан кафолатли тарзда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробари ва бюджет ҳисобидан базавий ҳисоблаш суммасининг 15 баробари қоплаб берилади. Бу тадбиркорга 1 йилда 3 миллиард сўмга яқин даромад олиб келади.



соблаш миқдорининг 15 баробари қоплаб берилади. Бу тадбиркорга 1 йилда 3 миллиард сўмга яқин даромад олиб келади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 15 апрелдаги “Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қароридан тадбиркорларга қулай шароит яратиш учун субсидиялар миқдорини ошириш, мулкка эгалик ҳуқуқини қайта кўриб чиқиш белгиланди. Талабалар турар жойларини ўз маблағи ҳисобидан қурган маҳаллий тадбиркорларга бино умумий майдонининг 20 фоиздан ошмаган қисмига бўлган мулк ҳуқуқини тадбиркорга ўтказиш белгиланди. Яъни давлат-хусусий шериклик асосида барпо қилинадиган ётоқхоналарнинг 20 фоизи тадбиркорга мулк ҳуқуқ сифатида кадастр билан расмийлаштириб берилади. Дейлик, ажратилган ерда тадбиркор камида 400 ўринли бино қуради ва унинг камида 200

ўрнидан олий таълим муассасаси билан келишилган нархда фойдаланади. Қолган 200 ўрнига тижорий нарх белгиланади. Бу шаклда тадбиркор бир йилда қарийб уч миллиард сўм атрофида тушумга эга бўлади. Бу — битта тўрт юз ўринли ётоқхонадан келади деган даромад.

Эътиборлиси, тадбиркор бу ўринда ўзи учун қўшимча даромад олиши мумкин. Яъни келишилган миқдордан ортиқ қурилган жойдан ўзи фойдаланиши учун имконият мавжуд.

Яна бир янгилик шуки, тадбиркор қўп қаватли бинодан талабалар учун 400 ўрин ажратса бўлди. Қолган қисмига ўз маблағи ҳисобидан меҳмонхона ёки турли ўқув курслари, хизматлар кўрсатиш шохобчаси очилиши мумкин.

Агар тадбиркор янги бино қурмай туриб шахсий мулк, ўзида мавжуд бино ишоотни талабалар турар жойига ўзгартириб, фойдаланишга берса, давлат томонидан бериладиган базавий

ҳисоблаш суммасининг 15 баробари миқдоридagi субсидияга эга бўлади. Қисқаси, янги тартиб жорий этилиши олий таълим муассасасининг ҳам, тадбиркорнинг ҳам, талабаларнинг ҳам манфаатига хизмат қилади.

Айни пайтда бу янгиликлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳозирда тадбиркорларга берилаётган ушбу имтиёزلар тўғрисида 24 та олий таълим муассасасида жами 12 500 ўринли талабалар турар жойларини қуриш ишлари аялқачон бошлаб юборилди. Шундан 15 таси давлат-хусусий шериклик, 6 таси давлат дастури асосида ҳамда 3 таси 100 фоиз муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Қайд этиш лозимки, биргина давлат-хусусий шериклик асосида қуриладиган 7500 ўринли ётоқхоналар лойиҳасининг умумий қиймати 260 миллиард сўмни ташкил қилади. Самарқанд давлат чет тиллари институти учун қуриладиган, илп якунига қадар тугалланиши кутилаётган талабалар турар жойи 500 ўринга мўлжалланган. Мазкур турар жойини қуриш учун 32,1 миллиард сўм маблағ сарфланади ва у тўлиқ тадбиркорнинг маблағи ҳисобидан барпо этилади. Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида Андижон давлат университети ҳудудидаги 4 гектар бўш майдоннинг 30 сотихида 400 ўринли замонавий талабалар турар жойи қурилмоқда. Унга 27,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Маблағнинг 10,8 миллиард сўми давлат бюджетдан ажратилган, қолган қисми тадбиркорнинг шахсий ҳисобидан.

Шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида Фарғона политехника институти ҳудудидаги бўш майдоннинг 30 сотихида 400 ўринли замонавий талабалар турар жойи қурилмоқда. Унга 25 миллиард сўм йўналтирилган. Маблағнинг 10,8 миллиард сўми давлат бюджетидан, қолгани тадбиркорнинг шахсий маблағи.

Берилган имтиёз ва имкониятлар халқаро ташкилотлари ҳам ўзига жалб этмоқда. Яқинда Европа тикланиши ва тараққиёт банки ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий таълим муассасалари учун ётоқхоналар қуриш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзолангани фикримиз далилидир.

ДАВР ТАЛАБИ

Кейинги йилларда “Uzungwoo” МЧЖда қуввати 3,0 кВт, “Қўқон дон маҳсулотлари” ва “Бағдод дон маҳсулотлари” АЖларда умумий қуввати 8,0 кВтдан бўлган қўёш фотозлектрик станциялари, Риштон туманидаги “Шимолий Сўх” ер ости газ сақлаш омборида қуввати 0,056 Гкал бўлган қўёш сув иситиш 8 та коллектори ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш тармоқларини арзон ва сифатли электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш имконияти янада кенгайди.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ: ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТ



“Фарғона иссиқлик электр маркази” АЖнинг нафақат Фарғона вилояти, балки республика энергетика соҳасида ўз ўрни бор. Корхона 329 МВт/соат электр энергияси ҳамда 1449 Гкал/соат иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу ерда электр энергияси ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш, маҳсулот таннархини камайтиришда мўқобил энергиялардан фойдаланиш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада кам харажат қилган ҳолда кўп ва сифатли электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятлари кенгаймоқда.

— Ўтган икки йилда 7 МВт ҳамда 17 МВт қувватга эга газ турбина қурилмалари ишга туширилди, — дейди жамият бош директорининг маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот-технология масалалари бўйича биринчи ўринбосари Бахтиёр Эгамбердиев. — Замонавий, юқори самарали ва тежамкор газ-турбина ускунаси бир соатда 17 минг кВт электр ва 19 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқаради. Фарғона водийсининг электр энергиясига бўлган танқислигини бартараф этиш мақсадиди қўйилган илк қадамлардан бири бўлган мазкур лойиҳа мавжуд қув-

ватларни ошириш ва истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш, тармоққа қўшимча энергия узатиш имкониятини берди. Натижада электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва етказиб бериш миқдори сезиларли даражада ошди. Йилга 3,2 миллион куб метр табиий газ тежаб қолиш имконияти яратилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтириш, тармоққа қўшимча электр энергияси узатиб беришни ташкил этиш мақсадиди амалдаги турбогенераторларга қўшимча 50 МВт қувватга эга “К-50-1.3” лойиҳасини ишга тушириш борасида ҳаракатлар олиб бориляпти. Бу лойиҳа мавжуд электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган турбиналарни максимал қувват ва тежамкор режимида ишлатиш имконини беради.

Жорий йилнинг 4 март куни Президентимиз раислигида олий ўқув юртлири талабалари бандлигини таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида Фарғона политехника институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Институт энергетика факультетининг бир гуруҳ талабалари ишлаб чиқариш цехларида амалиёт ўташ имкониятига эга бўлди.



“Ақлли соябонлар”

Тадқиқотларга кўра, дунёда 1 квадрат метр майдон учун энергия сарфи йилга 120-150 кВт/соатни ташкил этади. Мамлакатимизда ҳудди шунча ҳажмдаги майдон учун 390 кВт/соат энергия сарфланар экан. Келгуси ўн-ўн беш йилда аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларида электр энергиясига бўлган талаб икки баробар кўпайишини инобатга олсак, нафақат электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш,



балки барча соҳада энергия тежамкор воситалар ҳамда мўқобил энергия манбаларидан фойдаланиш талаб этилади.

— Ҳозирги кунда Фарғона политехника институти олимлари томонидан ҳам қайта тикланувчи энергия манбалари асосидаги энергетик қурилмаларни ривожлантириш устида кенг қўламли илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда, — дейди институт ректори Уктам Саломов. — Жумладан, Энергиятежамкорлик ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш илмий лабораторияси фаолияти йўлга қўйилди. Фарғона водийси

олий таълим муассасалараро асбоб-созлик ва назорат ўлчов асбоблари илмий лабораториясига 750 минг доллар қийматидagi 84 хил жиҳоз келтирилди. Бу ерда энергия тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича илмий ишланмаларни тажрибадан ўтказиш ва намойиш қилиш учун майдони 400 квадрат метр бўлган ҳамда метрологик ўлчов асбоблари билан жиҳозланган гелиополигон фаолият кўрсатмоқда. Институтда қайта тикланадиган энергия турлари асоси-

фоқи лойиҳаси, 9 таси “Бўлажак олим” танлови доирасида ҳаётга татбиқ этилади. Жорий йилда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 14 та лойиҳа молиялаштирилади. Ушбу лойиҳаларнинг аксарияти қайта тикланувчи энергия манбаларининг истиқболли йўналишларини ривожлантиришга қаратилган.

Хусусан, электр энергияси сарфисиз ер майдонларини суғориш, қўёш энергияси асосида совитиш, самарадор қўёш ҳаво иситигичи, “ақлли соябон”, автоматлаштирилган микро ГЭС сингари долзарб мавзулардаги илмий ишланмалар ҳаётга жорий этиляпти.

Дастлабки қадам сифатида “ақлли соябон” ёки қўёш-ҳаво иситигичи лойиҳаларини келтириш мумкин. “Ақлли соябон”лар қўёш панеллари билан жиҳозланиб, унда дам олиш пайтида телефонни зарядлаш ва бепул Wi-Fi хизматидан фойдаланиш имкони бор. Тўнги пайтлари эса, атрофини ёритишга хизмат қилади. Янги лойиҳа вилоят ҳокимлиги томонидан молиялаштирилиб, айни кунда уни вилоят театр-концерт саройи атрофида ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Янги ва самарали усуллар

Жанубий Фарғона канали ўзанида соатига 300 киловатт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган гидроэлектрстанция қуриш ишлари поёнига етди. Янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши аҳоли ва ишлаб чиқариш тармоқларини арзон ҳамда сифатли электр манбаи билан таъминлаш имкониятини беради.

Қува туманидаги “Баҳор” фермер хўжалиғи билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳа электр тармоқлари етиб бормаган ҳудудларда ҳам экинларни суғориш, ҳосилдорликни оширишда янги самара беради.

Бундан ташқари, Қувасой шаҳридан оқиб ўтган Исфайрамсойда уюрмали микро ГЭСлар қуриш лойиҳаси тақлиф этилмоқда. Бу усул сув миқдори кам бўлган ўзанларда ҳам арзон ва экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради.

— Вилоятимизда мўқобил электр энергияси ишлаб чиқариш орқали истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида катта имкониятлар бор, — дейди Фарғона политехника институти профессори, техника фанлари доктори Сирожиддин Эргашев. — Биргина “Сирдарё-Сўх” ирригация тармоқлари ўзанининг ўзиди 200 дан ортиқ мўқобил электр энергияси ишлаб чиқарувчи микро ГЭСлар курси бўлади. Бундан ташқари, ўтган асрнинг элпигинчи йилларига қадар ишлаб келган “Қудаш”, “Водил”, “Болтақўл”, “Қува” ГЭСлари фаолиятини тиклаш орқали ҳам мўқобил электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин. Ўзбекистон туманидаги “Қудаш” гидроэлектрстанцияси фаолияти такомиллашлантирилиб, 200 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқувчи янги қурилмани ишга тушириш борасида иш олиб бораёلمиз.

Олимларнинг амалий изланишлари туфали ҳаётга татбиқ этилаётган илмий ишланмалар кўлами кенг. Бунга балиқчилик, фермер хўжалиқлари ва томорқа иссиқхоналари учун қўёш панелли станцияларни тайёрлаш йўлга қўйилганлигини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мўқобил энергия ишлаб чиқаруви янги лойиҳалар самарадорлигини ошириш ва қўллаб-қувватлашда Инновацион ривожланиш вазирлиғи қошидаги “Ёшлар инновацион маркази”нинг амалий ёрдами қўп келмоқда. Айни кунда марказ ташаббуси билан ўнлаб истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб бориляпти.

Айтиш мумкинки, иқтисодиёт тармоқлари фаолияти самарадорлигини оширишда мўқобил энергия ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳалар арзон ва сифатли электр манбалари билан таъминлашда ўзига хос имкониятлар яратмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Гўзал Наманганнинг ташриф қозоғига айланган гуллар байрами, мана, уч йилдирки, халқаро мақомда нишонланмоқда. Манаман деган мамлакатлар ўз ҳарбий қудратини кўз-кўз қилаётган бир даврда Ўзбекистоннинг гуллар пойтахти сифатида донги кетган Наманган гуллар паради билан гўзалликни бутун жаҳонга тараннум этди. Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов фестивалнинг очилиш маросимидаги табрик сўзида тадбирдан кўзланган мақсад жаҳонга юртимизнинг гулчилик анъаналарини, қолаверса, Наманган вилояти шаҳар ва туманларининг туризм салоҳиятини ошириш, инвестициявий жозибадорлигини чуқур тарғиб этиш эканини таъкидлади.

22 майдан 5 июнгача

Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб 61-маротаба ташкил этилган анъанавий Халқаро гуллар фестивали кўтаринки руҳда ва юксак даражада ўтказилди. Бетақор гул композициялари билан тўлган ўн олти гектар бог икки ҳафта мобайнида гул шайдолари билан туну кун гавжум бўлди. Давлатимиз раҳбари тақдиф ва ташаббуси билан байрам кўлами, мазмундорлиги ниҳоятда кенгайди, янада сайқалланди. Чапар урган гул-чечакларни ўстирган, гулсават гулчироқларни пардозлаган, ғояларга бой ҳамюртларимизнинг тоқирлиги гул сайли қатнашчиларининг эътирофу олқишига сазовор бўлди. Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг “Очиқ осмон остида” деб номланган концерт дастури, Рус миллий драма театри спектакллари, “Фарғона водийси модалар ҳафталиги кунлари” гул байрамнинг мароқли ва мазмунли ўтишини таъминлади.

Қайга борсанг, ёғар гул

“Мен гўзалларнинг эмас, гўзалликнинг, гўзаллик яратувчиларининг мафтуниман”, деган эди доғишмандлардан бири. Гул ҳам тирик жон. Унга меҳрингизни, қалб кўрингизни берсангиз, сйраб-яшнайди. Шоирона айтганда, бунда ҳар гул меҳрга пайванд. Гулларни томоша қилиб, баҳру дилингиз очилади, кўнглингиздаги чарқоқлар, губорлар ариганини сезмай қоласиз. Санъатни касб этиб, маҳорат билан гул етиштириш, гул яратиш ишида ёнган, тушида ҳам гул кўрувчи бу нафосат эгаларининг қалби ёруғ, кўпгилу. Гуллар воситасида 200 хил бадий композиция яратилган, жами 20 миллион тупдан ортиқ табиий гул кўчати экилган, фестивалнинг қайноқ нуқтаси — Бобур боғи ҳайрат манзилга айланган.

Очиқ осмон остидаги музей бунёдкорларининг жонбозлиги тўғрисида боғ янада кўркам қиёфа касб этди. Фестивалда шаҳар ва туманлар ўз кўргазмалари билан қатнашди. Бошингизга гул ёғилади, пойингизга гул сочилади, кўлингизга гул, байрам рамзи туширилган байроқлар тутқазилади. Мусликий дастурлар хаяжонини оширади. Лобар аёллар, жамалаксон қизчалар гулдан либос кийган. Овозаси етти иқлимга таралган гуллар фестивали қатнашчилари эса, олам-олам таассурот оғушида.

Гулдан яратилган ёзувлар, хусусан, давлатимиз ва вилоят хариталари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Эҳ-хе, барини санагучча ўзингиз ҳам гулга айланасиз. Рухиятингиз ҳам

гуллай бошлайди. Гуллар хиббони ҳаёлингизни банд этади. Гул терапияси, гул билан даволаш, унинг руҳиятга ижобий таъсири тўғрисида эса эшитгансиз, албатта.

Байрам кунлари маҳаллий ҳамда хорижий, мохир ва ҳаваскор гулчилар учун алоҳида павильонлар ташкил этилди, гул ихлосмандларига қулайлик яратиш учун боққа ёндош расталарда гул савдоси авжига чиқди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган, нафақадаги ёлғиз кекса отахон ва онахонларнинг хонадонларига борилиб, гул совға қилиш акцияси уюштирилди.

Гул байрами тарихи

1961 йил 19 август. Бу Наманганда биринчи марта гул байрами ташкил этилган кун. Хиббон ва гулзорларга 3-4 турдаги гуллар экиб, парвартишлаган дастлабки гулчилар Тўқмуллабой қори, Нуриддин ҳожи ва Абдухалил ака эди. Сўнгра улар сафига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган гулчи-агроном Абдуқасим Жалилов қўшилди. А.Жалилов шу йилги гулчилик соҳномасида жонли гуллардан чакриқлар, гиланусха безакли ёзувлар, кун ва ойлар номини тайёрлаб, боғда намоиш қилган шахс сифатида муҳрланган. Шунингдек, Абдуқодир Насриддинов, Эшондада Алихонов, Қозоқжон Жалилов, Нуриддин Ҳамдамов, Йўлдошбой Раҳимов каби заҳматкаш гулчи-боғбонларнинг номлари катта ҳурмат-эҳтиром билан тилга олинади.

XIX асрда ушбу хиббон ўрнида “Гулзор” номи маҳалла бўлган. У ерда аҳоли гул етиштириш, гулли ичимликлар, нектарлар, гуллардан турли ширинлик ва зирворлар, асал олиш билан шуғулланган. Бъёи гул турлари баргларида ва илдизларида шифобахш дамламалар тайёрланган. Наманганлик тарихчи ва жамиятшунос Юсуфжон Исмоиловнинг “Наманган фаҳри” китобида ёзилишича, ҳозирги Бобур боғига биринчи марта 1933 йили гул кўчатлари ўтказилган. Манзарали дарехтлар экила бошланганига эса 135 йил тўлди.

Бундан ташқари, 1960-1970 йилларда шаҳардаги кўллаб кўчаларнинг ўртаси ёки икки четда гулхоналар ташкил этиш бошланди. 60-йиллари ҳатто атиргул байрами ҳам уюштирилган ва кейинроқ бу гул байрами билан бирга ўтказиладиган бўлди. Шундай қилиб, бу ажойиб тадбир кўпчиликни ўзига мафтун этгани учун ҳар йили ташкиллаштириш анъанага айланиб қолди.



Тўрт тарафга овоза шаҳар

Наманганнинг ўзига хос брендига айланиб улгурган гуллар фестивали Президентимиз ташаббуси ва тавсияси, гулчиликни ривожлантириш йўлида қабул қилган қарор ва фармони билан юқори поғонага кўтарилди. 2018 йилда халқаро мақомга эга бўлиб, тўбдан ўзгарди. Дарҳақиқат, гулчилик Наманганда унлаб сулопалар орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қадрият.

— Ҳар бир киши ўртача иккитадан гул харид қилганини ҳисобласак, бу байрамнинг ифори миллионлаб хонадонга кириб бурганини аңглаймиз, — дейди Наманган шаҳри ҳокими Ғофиржон Жамолов. — Байрамга маҳаллий ва хорижий ОАВдан 100 дан ортиқ журналист ва блогер келди. Улар қаторида BBC, Reuters, TRT, Fars news, “Туркель”, “Синьхуа” ва “Спутник” каби етакчи агентлик, телеканал ва нашрлар вакиллари бор.

Тадбир доирасида Наманган ва Бишкек шаҳарлари ўртасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Қардош шаҳарга 500 минг гул совға қилинади. Гулларни Қирғизистон пойтахтига юртимиздан борадиган 100 нафар ландшафтчи экади. Тожикистонлик бир гуруҳ байналмилалчи жангчилар ҳам фусункор гуллар фестивалига гувоҳ бўлди.



— Чиндан ҳам Ўзбекистон ажойиб ўлка, менга ёқиб қолди. Айниқса, Наманган ва унинг гуллар фестивали, — дейди туркиялик Уфук Ғокус. — Туркияда ҳам халқаро гуллар байрами бор, лекин бизда фақат болалар учун бўлади. Шаҳрингиз масжид-мадрасалари диққатини ўзига тортиди. Меҳмоннавозлик ҳам яхши экан. Туркиялик эканимни айтсам, “Ооо, қардош!” деб ҳурмат кўрсатишди. Мен шундай самимиликни соғингандим. Худо хоҳласа, Наманганга, гуллар фестивалига кейинги йил яна келаман.

— Одамнинг табиати ўзи гулдай. Шу боис, гулга ошурта бўлади, кўнгли гул истаиди, — дейди Қирғизистоннинг Ўш шаҳридан келган сайёҳ Отақул Жалилов. — Тили, дини, қарашлари муштарак ўзбек ва қирғиз халқларининг узоқ йиллар кутган орзулари амалга ошиб, чегаралар очилгани биз учун айна мўдао бўлди. Сайёҳлик фирмаси орқали 700 кишидан иборат делегация таркибида Халқаро гуллар фестивалини кўргани келдик. Сайлларни қулатиш асосида Наманган вилояти инфратузилмаси, маданияти, урф-одатлари, маданий мероси билан ҳам яқиндан танишдик.

Озарбайжон Республикасининг “Turkelta” холдинги бош муҳаррири Рамз Аббос ўғлининг фикрлари билан ҳам қизиқдик:

— Наманганда иккинчи марта бўлишим. Ҳам сайёҳ, ҳам журналист сифатида сайлларга, ижобий ўзгаришларга бевоСИТА гувоҳ бўлиб бораёмиз. Бу байрам миллатлар ва халқларни ўзаро яқинлаштиради, дўстлик кўпригини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Наманган гуллар фестивалига тақдиф қилинганимиздан беҳад хурсандим, — дейди Покистоннинг Фасиллоб шаҳридан келган Акиб Носир. — Бир-биридан аъло гулларга боқиб, очиги, лолмиз. Гулларга ўралган автоқарвонни энди кўришим. Ўзбекистонни бутун дунёга буй-баста билан танитадиган шундай йирик миқёсдаги, “туризм магнети” саналган байрамларнинг кўпроқ ўтказилиши тарафдоримиз.

Қайси гулнинг шўхрати юқори?

5 июнь. Наманган шаҳридаги замонавий “Афсоналар водийси” тематик боғига файзли оқшом чўкди. Фестиваль ўз ишини аяқлади.

— Бу йилги фестивалга дунёнинг 30 давлатидан меҳмонлар ташрифи қўзатилди, — дейди вилоят ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов. — Улар ичида Америка, Европа, Шарқий Осиё ва МДҲ давлатлари вакилларини қўриш мумкин. Биргина қўшни Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистондан ҳар кўни юзлаб меҳмон қарши олинди. Жами ташрифлар сони кўтилганидан зиёда бўлди. Бундай кўламдор фестивал дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу эса, кундан-кунга раванқ топаётган янги Ўзбекистон, қолаверса, янгиланаётган Наманганда халқимиз бахт-саодати, фаровон турмушини таъминлаш йўлидаги изчил ислохотлар самараси сифатида баҳоланмоқда. Энг улуг, энг азиз айём — истиқлолимизнинг 31 йиллик тўйи арафасидамиз. Халқаро гуллар фестивали ушбу кўтулғу санага наманганликларнинг тўғфаси бўлди. Зеро, Шарқ доғишмандлари ҳикматларида айтилганидек, поклик ва гўзаллик рамзи бўлган гуллар ҳар қандай байрамнинг бебаҳо нишонасидир.

Тадбир сўнггида турли номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар номи эълон қилинди. “Қадимий гулчи сулола давомчиси” — Ҳакимжон Паттов 20 миллион сўм, “Энг яхши гул” — Наманган ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси 15 миллион, “Энг яхши гулчилик мактаби гулчиси” — Қўблжон Мўйдинов 15 миллион, “Энг кўп гул етиштирган сулола” — Нуриддиновлар сулоласи 10 миллион, “Гуллар фестивали автоқарвондаги кун қаҳрамони” — Баҳромжон Шарифжонов 10 миллион сўм билан тақдирланди.

“Гуллар фестивалини ташкил этишдаги хизматлари учун” Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Саидҳамд Султонов, Наманган шаҳри ҳокимлиги ҳамда Наманган шаҳри ободонлаштириш бошқармаси ва “Гуллар фестивалини ОАВ орқали ёритишдаги ҳиссаси учун” “O‘zbekiston-24” телеканал вилоят мухбири Ўғилол Болтабоева мукофотланди.

Фестивалнинг олий ўрин соҳиблари “Жентра” автомашиналари билан тақдирланди: “Ҳокимликлар ўртасида энг яхши ландшафт дизайни” — Учқўрғон тумани ҳокимлиги, “Бошқарма ва ташкилотлар ўртасида энг яхши ландшафт дизайни” — Марказий банк Наманган вилояти бош бошқармаси, “Гуллар фестивали автоқарвонда энг яхши безатилган автомобиль” — Наманган вилояти ҳокимлиги, “Энг яхши дизайнер гулчи” — Жавлонбек Мусаев.

Автомобиллар қалитини ғолибларга Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков ва Наманган вилояти ҳокими Шавкатжон Абдуразоқов топширди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Райхон Ғаниева, Алишер Файз, эстрада хонандалари Ҳамдам Собиров, Ойбек ва Нигора ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар барчани рақсга қорлади. Истеъдодли ёш хонандалар Комрон Мамадалиев ва Шахноза Ёкубонова гул байрами мадҳиясини баланд пардаларда қўйлади. Наманган осмонидан порлаган мушакбозлик 61-Халқаро гуллар фестивалига расман яқун ясади.

“Namangan Flowers — 2022” халқаро фестивали кенг кўламда амалга оширилаётган “Ашил макон” умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар замирида ривожланиб бораверади.

ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОС



“АЛ-ҚОМУС: АРАБЧА-ЎЗБЕКЧА ҚОМУСИЙ ЛУҒАТ”

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистонда муқаддас динимиз шаффофлигини янада мустаҳкамлаш, буюк аллоамларимиз Имом Бухорий, Исо Термизий, Маҳмуд Замахшарий каби аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, аждодларимизнинг бутун мусулмон олами эътирофу олқишига сазовор бўлган кўпгина илмий асарлари араб тилида битилган. Қолаверса, муқаддас Қуръони карим, Ҳадиси шариф мазкур тилда бўлгани боис, халқимиз томонидан алоҳида эъзозланган.

Имом Абул-Қосим Замахшарий, аллома Юсуф Саккокий каби улуг аждодларимиз араб тили раванқиға улкан ҳисса қўшган. Уларнинг асарлари ҳозирги кўнга қадар бутун дунёда дарслик сифатида қўлланиб келаётгани бизга катта фахр бахш этади.

Араб лисонини ўрганиш ва ўргатишда, табиийки, махсус луғатларга эҳтиёж сезилади. Юртимизда арабча-туркийча ёки арабча-форсча луғатлар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган, аммо улар биринчидан, қўлёзма, кўпи тошбосма тарзида бўлган, иккинчидан, нусхаларнинг ўта камлиги, борлари ҳам фақат махсус китоб фондларида сақлангани сабабли толиби илмлар учун улардан фойдаланиш деярли имконсиз эди.

Масалан, Ризо Муҳаммад Хоразмийнинг “Мунтахаб ал-луғот” (1798 й.) ва Муҳаммад Латиф Абдуссалом Булғорийнинг “Ҳалл ал-луғот” (1830 й., Бухоро) арабча-ўзбекча (туркийча) луғатлари шулар жумласидан. XX аср бошига келиб, атоқли маърифатпарвар адиб, аллома Исохон турра Ибрат томонидан 1901 йили икки жилдада кўп тилли: арабча-форсча-ўзбекча-туркча-ҳиндча-русча луғат чоп этилди.

Шунингдек, Б.Ҳасановнинг “Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча қўрсаткичи луғати” (1995 й.), “Арабча-ўзбекча бошланғич луғат” (1996 й.), Б.Иброҳимов ҳамда О.Мусаевнинг “Арабча-ўзбекча ўқув луғат”, А.Абдужаббаров ҳамда Н.Орифжўжаевнинг 3000 сўзли “Арабча-ўзбекча-русча частотали луғат” (1998 й.), Одижон Носиров, Муҳаммаджон Юсупов ва бошқалар ҳаммуаллифлигида Барановнинг “Арабско-русский словарь”ни ўзбек тилига таржима қилиш орқали тузилган “ан-Наим” (2003 й.), кейинроқ эса тўлдирилган “ан-Наим ул-кабир”, Т.Қодировнинг “Арабча-ўзбекча-русча тематик луғати” (2006 й.) каби қатор луғатлар дунё юзини кўрди.

2011 йилга келиб мумтоз, ҳам замонавий араб тилидаги манбалар, ёзма ва оғзаки нутқ лексикасини тўла қамраб олган, араб ва ғарб луғатнавислиги ютуқларини ўзлаштирган, кўллаб бйрламчи асл манбаларга таяниб мукаммал энциклопедик луғат тузиш ишлари бошланди.

Атоқли шарқшунос олим, филология фанлари доктори, академик Неъматулло Ёлбохонимовнинг бевосита раҳбарлиги ва тахрири остида арабшунос-шарқшунослар Абдулҳаким Арипов, Акмалжон Икромжонов ва Абдулҳамид Зайриевларнинг 10 йиллик меҳнатлари махсули ўлароқ тарихий мега лойиҳа — 100 мингдан ортиқ сўз ва ибораларни ўз ичига олувчи тўрт жилдлик мукаммал “Ал-Қомус: арабча-ўзбекча қомусий луғат” тузилди. Ушбу нодир ҳазина Ғафур Ғуллом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилди. Луғат турт жилдан иборат бўлиб, мумтоз, замонавий араб адабий ва сўзлашув тилидаги юз мингдан ортиқ сўз ҳамда ибораларни, шунингдек, фан, техника, санъат ва маданият соҳаларида оид атама ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади.

Луғатнинг аҳамиятли томони шундаки, унда араб тилининг бутунги сўзлашув ҳаётида фаол қўлланаётган сўзлар билан бир қаторда, замон тараққиёти билан ҳамнафас шаклда ривожланиб бораётган технологиянинг энг янги атамалари, шунингдек, араб мумтоз адабиётига оид сўз ва иборалар, айниқса, муқаддас динимизнинг асосий манбаи бўлган Қуръони карим оятлариға оид сўзларнинг ўзбек тилидаги маънолари кенг ёритилган.

Муаллифлар арабча сўзларнинг ўзбекча таржимасини бериш билан қиёяланмасдан, ҳар бир сўзнинг маъносини янада тушунарли бўлиши учун асл арабча манбалардан мисоллар ҳамда мақол, матал, шёарий намуналар келтирган. Берилган мисол ва иқтибосларнинг ўзбекча таржимаси ҳам ғоят нафислиги, аниқлиги билан эътиборга молик.

— “Ал-Қомус” — қомусий луғат, унда тарихий шахслар, жугрофий номлар, уларнинг атиаши сабаблари, қўллаб ўсимлиги ҳайвонларнинг ўзбекча муқобиллари билан биргалликда илмий номлари ҳам берилгани, бу турли илм-фан вакилларидан ҳам қизиқиш уйғотиши табиий, — дейди луғат муаллифларидан бири Акмалжон Икромжонов. — “Ал-Қомус” луғати ўзбек халқининг ҳали тўлиқ ўрганилмаган илмий-маънавий мероси, аждодларимиз қолдирган илмий асарларни аниқ илмий таржима қилиш борасида ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўрнатилган.
Нашр индекси — 136. **Буюртма** — 1840.
85744 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. БаҳоСИ келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Улугбек Асроров
МуСахҳач: Малохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.